



## ҚАДИМГИ ҚАШҚАДАРЁ ВОДИЙСИНИ ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ (ЕРҚЎРҒОН АРХЕОЛОГИСИ МИСОЛИДА)

*Одилова Фаёза Одил қизи*

*“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси ўқитувчиси, (Самарқанд Давлат Архитектура-қурилиш Университети)*

**Аннотация:** Мазкур мақолада, Қарши шаҳрининг кечмиши қадимий Ерқўрғон, Заҳҳоки Морон, Насаф (Нахшаб) – Шуллиуктепа манзилларидаги тарихини ўрганиш. Археологларнинг маълумотларига қараганда, Қарши воҳасида биринчи шаҳар ҳозирги қарши шаҳридан шимолда жойлашган қадимги Ерқўрғонда милоддан аввалги VI-II асрларда шаклланганлиги. Унинг эрамиздан аввалги VI-II асрларда бунёд этилган девор тузилиши ва майдонини ташкил этилганлиги тўғрисида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** Маданий мерос, объект, қадимий Ерқўрғон, Заҳҳоки Морон, Насаф (Нахшаб), Шуллиуктепа, археологик, маҳобатли санъат, Сосоний, Эфталит, империя, тарихий обида, маданий ёдгорлик.

**Кириш.** Президентимиз раҳнамолигида миллий маданиятимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, юртимиздаги тарихий обида ва ёдгорликларни қайта тиклаш, ўрганиш ва келажак авлодларга бус-бутун етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг моддий ва номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар салмоғи катта. Айни пайтда ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатида Ўзбекистондаги 4 та меъморий мажмуа – Хива, Бухоро, Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари киритилган.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон ҳудудидаги ноёб маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, тарихий шаҳарларнинг бош лойиҳаси ва менежмент режасини ЮНЕСКО халқаро стандартлари ҳамда талабларига мувофиқ ишлаб чиқишда мазкур тузилманинг халқаро экспертлари ҳам кенг жалб этилмоқда. ЮНЕСКО билан яқин ҳамкорликда моддий ва номоддий мерос объектларини асрашга доир турли халқаро анжуманлар ташкил қилинмоқда.

Мазкур тадбирлар маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш йўлидаги долзарб муаммоларни кўриб чиқиш, халқаро тажрибани ўрганиш, тарихий-маданий мерос сақланишини таъминлашга доир миллий тизимни такомиллаштириш, бу йўналишдаги давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни кейинги вақтда мавжуд тарихий обида ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, ободонлаштириш ишлари махсус дастур асосида олиб борилмоқда. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси бўлими етакчи мутахассислари иштирокида тузилган тарихий-маданий экспертиза комиссияси томонидан туман ва шаҳарлардаги маданий мерос объектлари, ёдгорликлар тўла ўрганиб чиқилмоқда. Бунда кадастр-баҳолаш, муҳандислик-тадқиқот, топономик, картография ишлари амалга оширилмоқда. мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликларнинг кадастр ҳужжатлари, объектларнинг паспортлари тайёрланди. Шу кунларда халқаро лойиҳа асосида мамлакатимиз ва



хорижлик тарихчи олимлар, археологлар ҳамкорлигида илмий жиҳатдан таҳлил қилиш учун ёдгорликларда қазилма ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Қашқадарё воҳасида милоддан аввалги асрларда вужудга келган, ёши жаҳоннинг энг қадимги манзиллари билан бўйлашадиган шаҳарлар бор. Шаҳрисабз ва Қарши ана шундай шаҳарлардандир. Шаҳрисабз ва Қаршининг 2700 йиллик юбилейлари нишонланиши ва уларнинг улуғ ёши жаҳон миқёсида тан олиниб, ҳукуматимиз қарорига мувофиқ байрам сифатида тантана қилингани фикримизнинг ёрқин исботидир.

Қарши шаҳрининг кечмиши қадимий Ерқўрғон, Заҳхоки Морон, Насаф (Нахшаб)–Шуллуктепа манзилларида ўтган. Археологларнинг маълумотларига қараганда, Қарши воҳасида биринчи шаҳар ҳозирги қарши шаҳридан шимолда жойлашган қадимги Ерқўрғонда милоддан аввалги VI-II асрларда шаклланган. Эрамиздан аввалги VI-II асрларда у икки қатор девор билан ўралган ва майдони 150 гектар (таноб)ни ташкил этган.

Қарши воҳаси марказининг тарихи Бобил (Ироқ), Александрия (Миср), Ереван (Арманистон), Таксила (Покистон) каби қадимги шаҳарлар ривожига ўхшашдир. Чунончи, VI асрда Турк ҳоконлиги ва Эрон Сосонийлари томонидан Эфталитлар империясига қарши олиб борилган жангларда Ерқўрғон ёниб, вайронага айланган. Шундан сўнг, Қарши воҳаси пойтахти Ерқўрғоннинг Жанубий-Ғарб томонидаги Қашқадарёнинг Жанубий соҳили бўйида, ҳозирги Шуллуктепа ўрнида қад кўтаради. У тарихда Нахшаб (арабча - Насаф) номи билан маълум ва машҳур.

Нахшаб XIII асрда Чингизхон босқинчилари томонидан вайрон қилинган, воҳа маркази учинчи маротаба ҳозирги Қаршининг эски шаҳар қисми ўрнида қайта тикланган. Шу тариқа Ерқўрғон, Нахшаб ва Қарши шаҳарлари Қарши воҳаси марказининг тараққиёт босқичларини ўзида мужассам этган. Ерқўрғон ва Заҳхоки Морон (м.а. II-I асрлар)да археологлар томонидан топилган кўҳна ашёлар ўзбек халқининг аجدодлари энг қадимги замондан ўтроқ ҳаёт кечириб, давлат тузуми асосида шаҳар маданиятини яратганлигини ва хунармандчилик, санъат ривожланганлигини тасдиқлайди.

Насаф IX-XII асрларда Жанубий Суғднинг асосий шаҳарларидан ҳисобланган. Унда рабоб, шахристон, карвонсаройлар, масжид ва мадрасалар мавжуд бўлган. Манбаларда Насафнинг Боён гузарида буюк муҳаддис Имом Бухорий истиқомат қилганлиги, Насафда ҳадисшунослик мактаби фаолият кўрсатганлиги ва бу шаҳар IX-X асрларда ўзига хос илмий-маданий марказлардан бири даражасига кўтарилганлиги қайд этилган. Мазкур шаҳарда турли даврларда 200 дан зиёд Насафийлар яшаб, ижод этган.

Истиқлол туфайли Ўзбекистонда маданий меросга нисбатан муносабат ижобий томонга ўзгарди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларнинг қутлуғ юбилейлари ўтказилиб, улардаги умумбашарий маданиятнинг бебаҳо дурдоналари бўлган меъморий обидалар қайта тикланди. Худди шундай навбат ўзининг бой тарихи ва маданий меросига эга бўлган Қарши шаҳрига ҳам етиб келди ва шаҳар юбилейи нишонланди.

Қаршининг ҳозирги кунгача сақланган меъморий ёдгорликлари - Кўкғумбаз, Қашқадарё кўприги, Қарши ҳаммоми, Шарофбой, Бекмуродбой, Қиличбой, Абдулазизбой мадрасалари, Одина жомеъ масжиди, Қарши сардобаси, Абу Убайда бин ал-Жарроҳ зиёратгоҳи ва Хонақо масжиди мажмуаси ҳукуматимиз ва халқимиз ардоғида.

Қарши шаҳридаги Кўкғумбаз масжиди, Қашқадарё устига қурилган ғишкўприк, қадимий ҳаммом ва мадрасалар ўзбек меъморчилигининг ноёб намуналаридан бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз тарихига эга. Бу обидалар Ўзбекистондаги кўплаб тарихий-маданий ёдгорликлар каби юксалиши улуғворлик даврларини ҳам, эътиборсизлик ва таҳқирона тазйиқларни ҳам, вайронгарчилик ва тушкунлик ҳолатларини ҳам бошидан кечирган.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилояти қадимги сўғд воҳасининг унумдор дехқончилик худудини эгаллаган бўлиб, қадимда ўз сувларини Амударёга қуювчи Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари оралиғида, мовароуннаҳрнинг қоқ марказида жойлашган. Мовароуннаҳрнинг барча тарихий ривожланиш босқичлари ушбу вилоят билан чамбарчас боғлиқдир. Китоб ва Шаҳрисабзда жойлашган қадимги шаҳарларда олиб борилган қазилар ишлари давомида археологлар томонидан топилган хилма хил моддий бойликлар ва тангалар силсиласи антик сўғдиёнага хос бўлган бой маданиятдан далолат беради. Антик даврдан кейинги илк асрлардаги мустақил давлатлар ҳисобланмиш Китоб, Заҳоки Марон ва Қарши яқинидаги Ерқўрғон шаҳарлари тарихий қатламларда ёрқин из қолдирган. Янги эранинг V асри келиб эса антик шаҳарларнинг таназзулга юз тутиши кузатилади. IV-VII асрларда бирин-кетин илк феодалларнинг мустақкам қалъалари пайдо бўла бошлади. (Муддинтепа, Шўртепа, Шуллиуктепа ва бошқалар шулар жумласидандир). Археологик қазилар мобайнида IV-VII асрларда мавжуд бўлган Каджартепа, Тоғайтепа, Кўхнафазли шаҳарчаларининг қолдиқлари топилди. Шу вақтда Кеш вилояти (Китоб ва Шаҳрисабз) ва Нахшаб (ҳозирги Қарши шаҳри) турк ҳоконлиги давлатининг тўққиз федерацияси таркибига кирарди. Улар мухторият ҳисобланар ҳамда Самарқандда ҳукмронлик қилувчи ҳоконга ҳирож тўларди.

Ўша вақтдаги шаҳарларда лойдан қурилган қалин деворлар, уларда қўриқлаш учун баланд миноралар ва мустақкам дарвозалар, баъзи шаҳар дарвозаларида эса мустақкам қулфлар мавжуд эди. Шаҳар худуди гавжум аҳоли яшайдиган ижтимоий - маданий марказ ҳисобланарди.



*1-расм. Қашқадарё вилоятида Қарши шаҳридаги Кўкғумбаз масжиди*

XVI аср охирларида Абдуллахон II (1557-1598) ҳукмдорлиги даврида Марказий Осиёда катта қурилишлар авж олган. Қарши шаҳрида ўша вақтда Мадраса, ҳаммом, ҳашамдор Кўкғумбаз намозгоҳи қўрилган, ҳатто Қашқадарё устига кўприк ҳам

солинган.

Одатда, гузар, жомеъ ва ҳоказо масжидларнинг девори ёки бинолар билан ўралган ҳовлиси бўлган. Намозгоҳлар эса очик, кенг майдонда меҳроб девори билан қиблага қаратилган ягона бинодан ташкил топган. Кўкғумбаз жомеъ масжиди ана шундай намозгоҳлардан бўлиб, ўтмишда «Намозгоҳ», «Жума масжиди» деб аталган.

Масжид биноси гумбаз томли асосий бош хона - хонақоқ ҳамда унинг икки ёнидаги чап ва ўнг қанот қисмларидан иборат. Тарҳи туғрибурчак шаклида бўлиб, узунлиги 38.25 метрга тенг. Қисқа томонларининг бири 14 метр, иккинчиси эса 14.6 метр. Асосий хонанинг тарҳи 8 метрли квадрат, у ён деворларига ишланган равоқли йўлак билан қанот қисмларига боғланган. Қанот қисмларининг ҳар бири икки қатор бўлиб тушган тўрт хонадан ташкил топган. Хоналар тепаси гумбазлар билан ёпилган. Бинонинг юза ва ён томонларидаги хоналарнинг олди ўз вақтида айвон сингари очик бўлган. Ҳозир уларга ғишт терилиб, ён томондагиларнинг бутунлай ёпилганлигини, юзадагиларнинг эса қисман торайтирилганлигини кўрамиз. Хоналар, ўз навбатида, бир-бирига равоқли бўшлиқлар орқали очиладиган қилиб қурилган. Асосий хонанинг қибла томонидаги деворида меҳроб, ёнида эса поғонали минбар мавжуд. Меҳроб энига анча чуқур ишлангани учун бино орқасидаги девор бир оз кенгайган. У хонақоқ ўртасидан четроққа сурилган ҳолатда жойлашган. Хонанинг олди ён қанот қисмлар билан узвий боғланган пештоқдан иборат. Унинг қалин даҳаналари ичида айлана зиналари ён қанотлар бинонинг томига олиб чиқади.

Баландлиги 14 метрга тенг хонақоқнинг тепаси қанотларга қўндирилган ички гумбаз билан ёпилган, хонақоқнинг қибла томони деворида меҳробни ўраб олган катта равоқ ичкараси қалқонсимон майда бағалли ярим гумбаз шаклида. Ён қанот хоналарнинг гумбазлари қабарик

кўринишдаги ганчкор бағал тарзида ишланган. Бино, асосан, 26x26x5 ва 28x28x6 сантиметрли чор ғиштлар билан қурилган. Шунингдек, пештоқнинг қалин деворлари ичини тўлдириш ҳамда харсанг тошли пойдеворларнинг тагини текислаш учун ғишт парчалари ишлатилганлиги ҳам аниқланди.

Пойдеворлар нисбатан унча чуқур эмас - 0.7-1.1 метр, қалинлиги ҳам деворлар қалинлигига тенг, унда тупроқ билан тўлдирилган жойлари ҳам учрайди.

Бинонинг энг асосий, мўтабар қисми хонақоҳ ҳисобланади. Чунки бу хонада намозхонларга қибла томонни белгилаб берувчи Меҳроб жойлашган. Намозгоҳнинг олд қисмига улкан пештоқ ва Хонақоҳ устига узокдан яққол кўринадиган баланд мовий гумбаз қурилган. Пештоқни сирланган кошинлар билан безатилиши ҳам шу мақсадда қилинган (ён қанот қисмлари безатилмаган).

Бинони бегаган қопламаларига мовий, кўк, зангори ва оқ рангли кошинлар ҳамда силлиқланган ғиштлар ишлатилган. Пештоқнинг ички ва ён деворларидаги безаклар сирланган қадама ғиштлиридан терилган содда шакли геометрик нақшлар ҳамда уларга битилган хатлардан иборат (хатларда «Оллоҳ», «Мухаммад» ва бошқа сўзлар ёзилган).



*2-расм. Қашқадарё кўприги.* Пишиқ ғиштли равоқли кўприк қуриш тажрибаси Ўрта Осиёда илгаридан расм бўлган, илк ўрта асрлар даврига келиб у анча такомиллаштирилган. Бизгача этиб келган кўҳна кўприклар XVI асрнинг иккинчи ярмига тааллуқли бўлиб, улар орасида Қашқадарё устида қурилган кўприк энг катта ҳисобланади.

Дарё ўзанини кесиб ўтган, ғиштли қурилган кўприкнинг ўн иккита мустаҳкам пиллапояси оёқлари кенг ва паст равоқлар орқали туташтирилган. Кўприкнинг узунлиги - 122 метр, эни - 8.2 метр, дарё

тубидан ўртадаги юл қоплагача бўлган баландлиги - 5.35 метр. Кўприкнинг ҳар икки томонидаги равоқлар оралиғидаги пилпоялар жуда бақувват цилиндрсимон, ғиштли тирговичлар билан мустаҳкамланган. Унинг асоси пастга томон кенгайтириб борилган, ҳар бирининг диаметри қарийб 4 метр келадиган буржларга бирлаштирилган. Мароми билан терилган ғиштин буржлар катори, равоқнинг чуқур жар тепасида эканлиги, кўприкнинг устки тугилиши чидамли, пухта иншоотнинг меъморий қиёфасидан дарак беради.

Дарё ўзанининг кенгайтирилганлиги сабабли кўприк 1914 йилда қайта қурилган. Қирғоқнинг четки кўҳна пиллапоялари янгиланган. Кўприкнинг икки томонига қоровулхоналар қурилган. Бу бажарилган ишлар ғишт плитага ёзиб қуйилган. Ривоятда Қашқадарё кўпригининг қурилишини Абдуллахон II га нисбат берилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, халқимизнинг қадимий тарихидан сўзлайдиган ноёб ёдгорликларни асраш, ўрганиш, тадқиқ этиш ва келажак авлодларга етказиш ғоят муҳим вазифалардан биридир. Қадимги Қашқадарё водийсини тарихий ёдгорликларини илмий таҳлил қилиш, ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишлари мазкур ҳудуд ва халқимиз тарихига оид янги ашё ва маълумотлар олиш имконини очиб беришдир. Бу юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Миллий давлатчилигимиз тарихини ўзида акс эттирган ва келажак авлодларга мозийдан хабар берувчи бундай археологик ёдгорликларни, тарихий-маданий обидаларни асраш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз . Тошкент - «Ўзбекистон» - 2016



2. Ш. Мирзиёев. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. Тошкент - «Ўзбекистон» - 2017
3. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.  
*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 49-модда.*
4. Б. В. Веймарна, В. А. Лаврова, А. М. Прибытковой, М. А. Усейнова, О. Х. Халпахчына Том 8 : Архитектура стран Средиземноморья, Африки и Азии. VI—XIX вв.
5. Nurmuradova Y.B., Sadikov J. Древние базары исторических городов Узбекистана. НАУКА И СОВРЕМЕННОЕ ОБЩЕСТВО: Актуальные вопросы достижения и инновации сборник статей и международной научно-практической конференции. состоявшейся 23 мая 2020 г. в г. Пенза
6. Nurmuradova Y.B., Voxodirova R. "Samarqand va Toshkent qadimgi an'anaviy bozorlari"., International Journal of Psychosocial Rehabilitation. April 2020, Volume 23. Issue 8. pp 5346-5352
7. Elmuradovna, J. E. (2021). The Architecture of Karshi Castle, The Establishment, The Past and the Present. Middle European Scientific Bulletin, 18, 247-252.
8. Elmuradovna, J. E. (2021). Bukhara Registan: Past And Present. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 25(1), 160-166.
9. Jurayeva, E. E. (2023). ARCHITECTURE OF TASHKENT REGISTON SQUARE. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(1), 190-203.
10. Uralov, A., & Jurayeva, E. (2018). ARCHITECTURE OF NAKIBBEK PUBLIC BATH OF 17th and 18th CENTURIES IN KATTAKURGAN CITY. ARCHITECTURE, 4, 21-2018.
11. Жураева, Э. Э. (2018). ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ И СТРОИТЕЛЬСТВО НАРОДНОЙ БАНИ-" ХАММАМ" XVII В. Актуальные научные исследования в современном мире, (4-12), 80-83.
12. Elmuradovna, J. E. (2023). TARIXIY SHAHARLARDAGI CHETEL MAYDONLARINING ARXITEKTURASINI TAHLIL QILISH. ARXITEKTURA, MUHANDISLIK VA ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALAR JURNALI, 2(1), 20-26.
13. Эшатов И.К. Ўзбекистон вилоят марказларида савдо ва маиший хизмат мажмуаларининг шаклланиши // Архитектура, қурилиш, дизайн журнали. -Тошкент: ТАҚИ, 2020 йил, №2. -69-75 бетлар.
14. Eshatov I.Q. The scheme of territorial placement of agglomeration commercial and household complexes in uzbekistan схема территориального размещения агломерационных торгово-бытовых комплексов в Узбекистане (статья на англ. яз.). // Tajik Technical University named after academician M.S.Osimi. Part One. - Dushanbe, 2022. - 221 p.
15. Khusainov Shamshidin Yalgashevich, K. Shodiyev Shamshidin Khusainov  
Health of children of preschool age and opportunities of recovery under the influence of physical stress of children's preschool institutions of Samarkand city World Bulletin of Management and Law (WBML)
16. Islamova, D. G. (2020). Revealing the trends of traditional features of national Uzbek residential houses. Solid State Technology, 63(5), 5581-5590.
17. Maxmatqulov, I. T. (2022). Scientific analysis of the Erkurgan historical and archeological complex in Karshi district of Kashkadarya region. Journal of Architectural Design, 4, 27-31.